

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЁЕВА ГУЛНОРА БАХТИЁРОВА**

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(чет тилини ўрганиш жараёнида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contentus of dissertation abstract of doctor  
of philosohy (PhD) on pedagogical sciences**

**Яхёева Гулнора Бахтиёровна**

Техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш (чет тилини ўрганиш жараёнида).....3

**Яхёева Гулнора Бахтиёровна**

Развитие творческой активности студентов технических высших учебных (в процессе изучения иностранного языка).....23

**Yahyoeva Gulnora Bakhtiyorovna**

Development of students` creative activity of technical higher educational institutions(in the process of learning foreign language).....44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЁЕВА ГУЛНОРА БАХТИЁРОВА**

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(чет тилини ўрганиш жараёнида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.Phd/Ped1787 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Лайло Толибжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Кадирова Мунира Расуловна**  
педагогика фанлари доктори(DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**З.Н.Мамаражабова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**С.С.Булатов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик диссертациясини аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини такомиллаштиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнларига татбиқ қилинмоқда. Талабаларни ижодий фаолиятли, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлашда CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талабларига мувофиқ таълим сифатини халқаро даражага олиб чиқиш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг инновацион усуллари таълим жараёнига кенг жорий этиш, талабалар ижодий фаоллигини ривожлантириш, талабанинг субъектив позициясини намоён этиш зарурлигини белгилашга доир йирик лойиҳаларни амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларида хорижий тиллардан билимларни ижодий ўзлаштириш, ижодий фаоллигини оширишнинг дидактик моделларини ривожлантириш, талабаларнинг билим фаоллигини такомиллаштириш, янги таълим стандартларини таълим жараёнига татбиқи самарадорлигини ошириш, ижодий ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич такомиллаштириш, талабаларнинг ижодий фаоллигини ҳозирги замон таълим технологиялари воситасида ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, ўқув ҳамда когнитив фаолиятнинг пассив объектлари бўлган талабаларнинг ижодий фаоллигини такомиллаштириш, фаол ижодий изланиш диагностикасини амалга ошириш, такомиллаштирувчи ўқув жараёнларини ташкиллаштириш, модулли таълимни йўлга қўйишни оптималлаштириш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда талабаларни ижодий фаоллигини дунё ҳамжамияти талаблари асосида ривожлантириш, хорижий тилларда эркин мулоқот қила оладиган кадрлар тайёрлаш, шунингдек жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг фойдаланишнинг меъёрий асослари яратилмоқда ҳамда моддий-техник базаси бойитилмоқда. “Халқаро таълим стандартларини жорий этиш ҳамда таълим сифатини баҳолаш асосида олий таълим муассасалари фаолияти сифати, самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, олий таълим муассасаларида тилларнинг фанларга интеграллаштирилган ҳолда ўқитиш имконияти кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони

тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги “Олий малакали илмий, илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 606-Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ҳамда технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият, демократик давлатни ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда ҳуқуқий, иқтисодий, , инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ҳамда уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассалари талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича Б.С.Абдуллаева, М.А.Абдуллаева, Н.Г.Аловуддинова, Н.А.Муслимов, О.Мусурмонова, З.Т.Нишанова, М.Б.Уразова, Ш.С.Шарипов, Ч.Т.Шокировалар; таълим жараёнидаги ижодий фаолликнинг психологик-педагогик, методик муаммолари У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джўраев, Р.Г.Исянов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.А.Мавлянова, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, Ш.Э.Қурбанов, олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш масалалари Л.Т.Ахмедова, Н.М.Ахмедова, Г.Бакиева, М.Гулямова, Ж.Жалолов, У.Жуманазаров, Ф.М.Рашидова, К.Ж.Рискулова, Т.К.Саттаровлар томонидан тадқиқ этилган.

Чет тилини ўқитиш жараёнида талабалар ижодий фаоллигини ривожлантириш жиҳатлари Б.Г. Ананьев, В.И. Андреев, Л.С. Виготский, М.А.Данилов, В.И.Крутецкий, А.Н.Леонтьев, В.А.Моляко, А.В.Петровский, К.К.Платонов, Г.И. Шукина, Т.Н. Шамовалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда ўқитишни ижодий фикрлаш мазмунидаги билимлар асосида ташкил этиш F.Barron, E.Cayce, A.Diesterweg, L.Gurlitt, H.Lietz, A.Maslow, E.Meumann, P.G.Natorp, K.R.Rogers, H. Scharrelmann, R.Torrensларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

техника олий таълим муассасалари ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш.

ўқув жараёнида ижодий фаоллик самарадорлигини оширувчи педагогик мезонларни такомиллаштириш.

талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик моделини такомиллаштириш.

чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида техника олий таълим муассасалари талабаларининг фаоллигини ривожлантириш жараёни танланган бўлиб, Навоий давлат кончилик институти, Тошкент кимё-технология институти ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институтларининг 303 нафар талабалари иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** техника олий таълим муассасаси талабалари ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (суҳбат, анкета, интервью, тест); педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ҳамда статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш имкониятлари ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш кўникмалари ҳамда тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи интерференцион омилларни таълимий мақсадлар мазмунига мос равишда бартараф этиш асосида такомиллаштирилган;

чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик модели ўқитиш мазмунининг ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган мақсадли йўналтирилганлиги, нутқий фаолиятнинг барча турларини ривожлантириш тамойиллари билан уйғунлиги ва мақбуллигини дидактик жиҳатдан динамик равишда узвий таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш жараёни ақлий ҳужум, синектика, Дельфи технологиялари, адекват операцияларнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар алгоритмини ривожлантирувчи таълим парадигмаларига босқичма-босқич интенсив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш технологиялари интерактив ишчан муҳитда оператив ва фаоллик мезонларини интернал ҳамда экстернал кўринишнинг бевосита боғлиқлигини далиллаш ҳамда уларни педагогик мақсадларга векторли йўналтирилган яхлит мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

техника олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг ташкилий-методик ҳамда технологик шарт-шароитлари

белгиланди, “Хорижий тил” фанидан методик кўрсатмалар, луғат ҳамда интерактив ўқув-услубий мажмуалари яратилган;

кончилик йўналиши талабаларининг нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий эгаллаш, талабанинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш, тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида ижодий фаолиятини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилган.

когнитив, мотивацион, рефлексив мезонларга асосланган ҳолда металлургия, кимёвий-технология, машинасозлик технологияси йўналиши талабалари учун ижодий фаолиятни ривожлантириш даражасини баҳолаш мезонлари яратилганлиги билан изоҳланади. Ушбу мезонлар ўқитувчилар томонидан талабаларни ижодий фаолиятга тайёрлаш (таълим бериш) сифатини ошириш, шу билан бирга, талабаларнинг ўз касбий ривожланиш даражасини аниқлашлари учун қўлланилган.

талабаларда чет тилини касбий фан мазмуни билан интеграллаштириш асосида ўқув жараёнларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик модели такомиллашганлиги, амалиётга жорий этилишидан иборат. Ушбу моделнинг мазмуни ҳамда таркибий қисмлари қаторида яратилган ўқув-услубий мажмуа таркибида ҳамма йўналишларда ўтиладиган “Хорижий тил” фанининг ўқув дастури ҳамда ўқув-методик мажмуаси, ўқув модуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Амалга оширилган ёндашувлар ҳамда усуллар, фойдаланилган назарий, амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аналитик ҳамда экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижодкорликни мураккаб маданий ҳамда тарихий ҳодиса сифатида ўрганиб чиқиш, когнитив фаолиятнинг моҳиятини педагогик ҳамда психологик жиҳатдан очиб бериш, ижодий ақлий ҳаракатлар, муаммоли ўқитишни кетма-кетликда ривожлантириш назарияларини, шу билан бирга талабалар фаолиятининг репродуктив ҳамда маҳсулдор (ижодий) турларини кўриб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўз-ўзини ташкил этиш, ўзини ривожлантиришнинг таркибий ҳамда мазмунли хусусиятлари, уларни талабанинг субъект позициясини намоён бўлишида ўзаро боғлиқлиги, ижодий қобилиятлар, талабаларнинг ижодий, интеллектуал фазилатларини ривожлантиришдаги фарқлар, таълимни ривожлантириш назарияси доирасида чет тилини ўргатишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг самарали шакллари, воситалари ҳамда методлари мажмуи, шунингдек тадқиқот жараёнида олинган материаллардан олий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқитувчилари, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизими мутахассислари, методистлар амалиёт жараёнида фойдаланишлари мумкин.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича олинган натижалар асосида: талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш имкониятлари ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш кўникмалари ҳамда тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи интерференцион омилларни таълимий мақсадлар мазмунига мос равишда бартараф этиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Металлургия соҳасига оид инглизча-ўзбекча-немисча-русча изоҳли луғати” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи асосида берилган 237-t-031 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада техника олий таълим муассасалари ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилишга эришилган;

чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик модели ўқитиш мазмунининг ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган мақсадли йўналтирилганлиги, нутқий фаолиятнинг барча турларини ривожлантириш тамойиллари билан уйғунлиги ва мақбуллигини дидактик жиҳатдан динамик равишда узвий таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар “Металлургия соҳасига оид инглизча-ўзбекча-немисча-русча изоҳли луғати” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи асосида берилган 237-t-031 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада ўқув жараёнида ижодий фаоллик самарадорлигини оширувчи педагогик шартлар мажмуини ривожлантиришга шароит яратилган;

талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш жараёни ақлий хужум, синектика, Дельфи технологиялари, адекват операцияларнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар алгоритминини ривожлантирувчи таълим парадигмаларига интенсификация мослаштириш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар “Металлургия соҳасига оид инглизча-ўзбекча-немисча-русча изоҳли луғати” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи асосида берилган 237-t-031 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик моделини такомиллаштириш имкони оширилган;

талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш технологиялари интерактив ишчан муҳитда оператив ва фаоллик мезонларини интернал ҳамда экстернал кўринишнинг бевосита боғлиқлигини далиллаш ҳамда уларни педагогик мақсадларга векторли йўналтирилган яхлит мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Металлургия соҳасига оид инглизча-ўзбекча-немисча-русча изоҳли луғати” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи асосида берилган 237-t-031 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш имкони оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 2 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Техника олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда таълим ва когнитив фаолиятда талабанинг ижодий фаоллиги, ўқув жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини ташкил қилиш ва ўзини ривожлантиришнинг таркибий ва мазмунли хусусиятлари, чет эл педагогикасида талабанинг ижодий фаоллиги ривожланиши кабилар кўриб чиқилган.

Сўнги ўн йил олий таълим муассасаларида ўқиш жараёнида талабаларнинг ижодий имкониятлари ва ижодий фаоллигини ривожлантириш муаммосига эътиборнинг кучайиши билан тавсифланади. Ижодкорлик муаммоси фалсафий ва психологик-педагогик тоифага мансуб бўлишига қарамай, ҳозирги вақтда жамиятда бўлаётган ўзгаришлар муносабати билан унинг изланиш интенсивлиги анча ошди. Жамиятнинг ижтимоий тартибига мувофиқ-талабанинг ижодий фаоллигини шакллантиришда таълим тизимининг кўрсатмалари ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

Тадқиқотда асосий тушунчалар иерархияси таҳлил қилинди ва тақдим этилди, яъни: “билиш фаолияти”, “ижодкорлик”, “ижодий фаолият”, “ижодкорлик қобилиятлари”, “ижодий фаолликни ривожлантириш”, уларнинг семантик ривожланиш жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги аниқланади.

“Ижодий” талаба тушунчаси фалсафий ва психологик-педагогик адабиётларда қадимдан ишлатилган. Шундай қилиб, ҳатто рус ихтирочиси ва олими П.К. Энгелмаер, хусусан, “Техник ихтиролар соҳасидаги ижодий талаба

ва муҳит” китобида қуйидаги таърифни келтирган: “иждоқор – бу ҳамма нарсага янги нарсаларни берадиган прогрессив элемент”.

Фалсафий энциклопедик луғатда “иждоқорлик” “сифат жиҳатидан янги, ҳеч қачон бўлмаган нарсани яратадиган фаолият” деб таърифланади.

Кўп психологик ва педагогик тадқиқотлар когнитив фаолиятнинг моҳияти ва унинг қонуниятларини очиб беришга бағишланган. Тренингнинг муҳим жиҳати - бу талабаларнинг фаол когнитив фаоллиги, билимга бўлган эҳтиёжи ва уни эгаллаш истаги ҳисобланади. Асосий тушунчага кўтарилишнинг ретроспектив таҳлилининг бир қисми сифатида, ишда тадқиқотнинг асосий тоифаларини талқин қилиш ва ривожлантиришда талабаларнинг хронологик серияси келтирилган.

Н.Муслимов ўзининг тадқиқотларида “ривожлантириш ҳамда тарбия индивидга нисбатан ягона мақсад – унинг жамиятда ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга қаратилган ҳолда таъсир қилади, бироқ ривожлантириш бу вақтда индивид эга бўлган сифатга қаратилади, тарбия эса, у эга бўлмаган, лекин жамиятда қарор топган ахлоқий меъёрларда кўзда тутилган сифатларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Қайд этилган омилларга зарур даражада таъсир кўрсатиб, ҳам талабани ривожлантириш, ҳам уни тарбиялаш масалаларини ҳал қилиши мумкин” деб ўз мулоҳазасини билдирган.

Б.С.Абдуллаеванинг тадқиқотида “Интеллектуал имкониятларсиз талабанинг меҳнатга иждоқ муносабатларини шакллантириш турли ўқув фанлари мазмунини ўзаро уйғунлаштириш асосида амалга оширилади” – деб таъкидланган.

Мустақиллик ва ўзини ривожлантириш ғояси педагогика фанида чуқур ўрганилган. Фаолият ва талабанинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик, талабанинг табиий кучлари ўрганилаётган фанларни кўпайтириш орқали эмас, балки фаол фаолият жараёнида ривожланиб бораётганида намоён бўлади. Мустақилликнинг ривожланиши талабаларнинг фикрлаш қобилиятини шакллантириш асосида кўриб чиқилади, талабанинг ривожланиши иждоқ ўзини ўзи ривожлантириш билан боғлиқ. Бир қатор диссертацияларда (Р.С.Рафиқова, А.В.Поздняков, Р.Р.Салаватова) иждоқ, фаол талаба ва бу мақсадга реал ва мақсадли эришиш учун шароит ва воситаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, бу талабаларни олий таълимда ўқитиш тизимида иждоқ фаоллигини рағбатлантирадиган ўқув жараёнини оқилона ташкил этишни излаш зарурлигини кўрсатади.

Д.Б. Эльконин назариясига кўра, когнитив фаолликни ривожлантириш ижобий таълимий ва когнитив тажрибани тўплаш орқали амалга оширилади. Когнитив фаолият ривожланишининг асоси – бу когнитив фаолиятнинг яхлит ҳаракати – таълимий ва когнитив вазифадир.

Когнитив фаолиятнинг муаллифлар томонидан кўрсатилган индивидуал жиҳатлари бир-бирига зид эмас, балки концепциянинг муҳим жиҳатларини тўлдиради. Бу ёндашувларнинг интеграцияси когнитив фаолиятнинг манбаи талабанинг билим олиш, мавжудларини чуқурлаштириш, жамиятнинг маънавий маданиятини англаш, ўзини намоён қилиш, ўзини англаш зарурати эканлигини

тасдиқлаш асосида амалга ошади. Эҳтиёж – бу мавзуни фаол бўлишга чақирадиган бошланиш. Бироқ, баъзи билим эҳтиёжларини қондириш янгиларининг пайдо бўлишига олиб келади, лекин бу эҳтиёжлар кўпинча ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Юқорида айтилганларнинг барчаси, инсон фаолияти ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ деган хулосага келишимизга имкон беради.

Ижодий фаолият талабаларнинг мустақиллигини ривожлантиришни, уларнинг бир босқичдан иккинчисига мустақил равишда ўтиш қобилиятини (вазифани қабул қилишдан ҳал этишгача, таълим вазифасини қўйишдан етарли тарбиявий ҳаракатларни аниқлашгача, амалга ошириш ҳаракатларидан ўзини тутиш ҳаракатларига қадар) ўз ичига олади. Нафақат мантиқ техникасини ўзлаштириш ва таълим муаммоларини одатий усуллар билан ҳал қилиш, балки сизнинг энг оқилона ҳал қилиш йўлингизни излаш қобилияти ҳамдир. Бундай шароитда педагогик жараённинг диалектикаси ўқитувчининг фаолияти ва талабанинг ижодий фаол фаоллигининг ўзаро таъсирида намоён бўлади, бу эса мотивация, мустақиллик, интеллектуал ва иродавий саъй-ҳаракатлар, шунингдек ҳиссий тажрибаларнинг ортиши билан кечади.

Диссертациянинг **“Чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш учун педагогик шартларни ишлаб чиқиш тизимининг дидактик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик модели, чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакллари ва усуллари, талабаларнинг ижодий фаоллигини чет тиллар ўқитиш жараёнида ошириш даражаси ва боғлиқлиги аниқланган.

Сўнгги пайтларда талабанинг интеллектуал ва ахлоқий ривожланишини рағбатлантирадиган, унинг потенциал имкониятларини фаоллаштирадиган ва танқидий фикрлашни шакллантирадиган таълимнинг бу турига йўналиш тобора кенг тарқалмоқда. Ушбу турдаги машғулотлар доирасида талаба ўзини ўқув-билиш фаолиятининг фаол субъекти сифатида намоён қилади.

Ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик моделининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатамиз.

Дидактик модел чет тилини ўрганишда ижодий ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси ва муаммоли таълим назариясига асосланган. Биринчиси, талабаларни билимларни ўзлаштириш жараёнини онгли равишда ижодий бошқаришга йўналтиради, яъни, эътиборини тафаккур ва ақл маданиятининг фаол, мустақил ривожланишига қаратади. Иккинчиси, ижодий фикрлашга ва ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди, чунки талабанинг ўзи муаммони ўзи ҳал қилиши, янги ҳаракат усулини топиши керак. Бу назарияга асосланиб, ўқувчилар фаол билим фаолиятининг эвристик ва ижодий даражасига қаратилади.

Моделлаштириш – бу объектни билвосита ўрганишнинг универсал усулидир. Талаба ўрганишининг турли босқичларида стимуляциядан

фойдаланилганда, модел турли функцияларни бажарган. Аввалига у асосий тушунчаларнинг контурларини белгилашга ва уларнинг иерархияси ва дидактик алоқаларини аниқлашга ёрдам беради. Кейин у муҳим алоқаларни янада тўлиқроқ ифодалашга, талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик шартларини очиб беришга, унинг элементлари ва ўзаро таъсирининг хусусиятини ёритиб беришга имкон берди.

Дидактик модел тузилишидан мақсад талабаларнинг ўқув жараёнида ижодий фаоллигини ривожлантириш шarti сифатида алоҳида ажратилади. Талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш мақсадини очиб берганда, биз унинг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, ишга ёндашдик. Психологик ва педагогик нуқтаи назардан, мақсад фақат мантиқий эмас, балки янги босқичлар ва механизмларни когнитив жараёнга киритишга асосланган таълим мазмунини ассимиляция қилиш жараёнини ташкил этишнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ижтимоий мақсад – жамиятнинг ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ва ҳар бир талабанинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга мақсадли таъсир қилиш билан боғлиқ; дидактик мақсад – ўқув жараёнида талабанинг ижодий қобилиятини ривожлантириш учун услубий тизим яратиш орқали олий таълим муассасасининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

Эвристик ва тадқиқот усуллари дизайн, режалаштириш ва уни амалга ошириш, қидирув муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади (ҳар хил ҳажмдаги, лекин бир хил воситалардан фойдаланган ҳолда). 1-жадвалда ўқитувчи ва талаба фаолиятининг усуллари берилган.

Талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришда ўқитувчининг дидактик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

Таркиби: талабаларнинг ижодий фаоллигининг ривожланиш даражасини диагностикаси; ижодий фаолликни ривожлантириш учун талабалар фаолиятини рағбатлантириш; чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш учун машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

Шакллари: ижодий фаолликни ривожлантириш бўйича жамоавий ишлар; ижодий вазифаларни бажариш; индивидуал ва гуруҳли тарбиявий вазифаларни бажариш; ўйинлардан фойдаланиш; лойиҳаларни амалга ошириш; конференциялар; каталог.

Усуллари: ахборотли, репродуктив, эвристик, муаммо қидириш, тадқиқот усули.

Талабаларнинг фаолияти таркиби қуйидагилардан иборат: ижодий фаолликни ривожлантириш вазифаларини бажариш; ўқув-билиш фаолиятининг усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларни билимларни ўзлаштиришда қўллаш;

Шакллари: фронтал; ижодий фаолликни ривожлантириш бўйича жамоавий иш; ижодий вазифаларни гуруҳ, жуфтлик билан бажариш; ижодий вазифаларни учликларда бажариш; ижодий лойиҳалар; стандарт бўлмаган тил ҳолатлари.

Усуллари: талабаларнинг ижодий топшириқларни бажариш бўйича мустақил ишлари; элементларни янги вазиятга ўтказиш бўйича машқларни бажариш; ижодий фаолиятни излаш; мия бўрони; синектика; номинал гуруҳлар усули; Дельфи усули; одатий хаёлотни қабул қилиш.

## Ўқитувчи ва талаба фаолиятининг усуллари

Ахборотни қабул қилиш усули	Репродуктив усул	Муаммони тақдим этиш усули	Эвристик усул	Тадқиқот усули
<b>Ўқитувчининг фаолияти</b>				
Ахборотни тақдим, этиш, ўрганилаётган объект билан талабанинг ҳаракатларини ташкил этиш	Билим, ақлий ва амалий фаолият усуллари тақдорлаш бўйича топшириқни тузиш ва тақдим этиш. Бошқарув ва назорат	Муаммо ва далилларга асосланган усуллар ва ечимларни очиб бериш	Муаммо, когнитив ва амалий масалаларни ҳал қилишнинг индивидуал босқичларини амалга ошириш учун вазифаларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.	Ечимларни топиш учун муаммоли вазифаларни тузиш ва тақдим этиш. Муаммони ҳал қилиш жараёнини таҳлил қилиш
<b>Талабанинг фаолияти</b>				
Билимни идрок этиш, билимни англаш, эслаб қолиш.	Билимларни янгилаш. Бошқа манбалар томонидан кўрсатилган намуналар (ўқитувчи, китоб, техник воситалар) асосида билим ва ҳаракат усуллари тақдорлаш.	Билимни идрок этиш. Билим ва муаммолардан хабардорлик, барқарорликка эътибор ва даражани назорат қилиш муаммони ҳал қилишнинг ишончилиги. Қарор ва мантиқнинг кейинги босқичларини ақлий тахмин қилиш, эслаб қолиш	Вазифанинг бир қисми бўлган топшириқни идрок этиш, унинг аҳволини тушуниш; вазифаларни ҳал қилиш усуллари ҳақидаги билимларни янгилаш; айрим вазифаларни мустақил ҳал этиш; қарор қабул қилиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ва унинг натижаларини текшириш; тараққиётни тақдорлаш ва унинг ўзини-ўзи рағбатлантириш.	Вазифани идрок этиш ёки муаммони мустақил равишда баҳолаш; топшириқнинг шартини тушуниш; ўқув босқичини режалаштириш; ҳар бир босқичда тадқиқот усуллари тақдорлаш; ўз-ўзини назорат қилиш; ўқув жараёнини тақдорлаш.

Ижодий фаол фаолият кўникмаларининг таърифига асосланиб (ижодкорликка, билимга, талабанинг индивидуаллиги ва ҳоказоларга боғлиқлик), биз талабаларнинг олий таълимда ўқиш жараёнида ижодий фаоллигининг ривожланиш мезонлари ва даражасини аниқладик:

мотивацион-қиймат: мавзуга йўналтириш ва қизиқиш; ўз-ўзини ташкил қилиш, ўзини ривожлантириш ва ижодий ғояларни амалга ошириш қобилияти; касбий ўзини-ўзи тасдиқлаш ва маданиятлараро мулоқотда талабанинг намоён бўлиши;

когнитив: талабаларнинг ўқув материални ўзлаштиришдаги фаоллиги; интеллектуал ташаббус, когнитив ижодкорликнинг намоён бўлиши, ижодий тафаккурнинг ривожланиши, мавзу бўйича ўқув материални ўзлаштиришнинг изланиш табиати;


операцион фаолият: ижодий қобилият ва кўникмаларни ривожлантириш; янги фаолиятнинг маълум усулларининг мустақил комбинацияси; таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш қобилияти ва кўникмалари; ижодий фаолиятларни (эвристик методлар, ассоциатив механизмлар ва бошқалар) амалга ошириш бўйича янги билимларни тўплаш ва тажриба орттириш фаолликларининг ривожланиш даражалари аниқланди:

Ушбу мезонларга мувофиқ ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаолликларининг ривожланиш даражалари аниқланди. 1-расмда чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели берилган.

Биринчи даража – паст, бу когнитив фаолиятга қизиқиш, узоқ ва катта интеллектуал саъй-ҳаракатларни талаб қиладиган таълим вазифаларига дуч келганда, салбий ҳис-туйғулар тажрибаси ва ижодий турдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўқлиги билан тавсифланади. Когнитив фаоллик фаол, лекин когнитив мотивлар доминант эмас. Улар ўқитувчи томонидан моделлаштириш учун мўлжалланган.

Иккинчи даража – ўрта, бу даража репродуктив фаол услуб ва фаолият талабалари гуруҳига хосдир. Билимга келсак, у маълум маълумотларни ёдлаши мумкин; фаолиятда – бу тайёр техникаларни ўзлаштириш. Бундай ҳолда, когнитив фаолият ижобий ҳис-туйғулар билан бирга келади, лекин улар ижодкорликдан келиб чиқмайди. Ижодий фаолиятга йўналиш йўқ, ўқитувчининг назорат қилувчи роли сақланиб қолган.

Учинчи даража – юқори, ижодий мотивация ўқувчилар фаолиятига таъсир қила бошлайди. Топшириқларни ижодий бажаришга қизиқиш пайдо бўлади. Бу даража ўз-ўзини ўқитиш ва ўзини англаш жараёнида ижодий фаол ишлаш кўникмаларининг ривожланиши билан тавсифланади. Бу ўқитувчининг мураккаб ўқув муаммоларини ҳал қилишда аҳамиятсиз иштироки билан ижодий фаолиятда содир бўлади. Шу билан бирга, ўқитувчи ва талабаларнинг когнитив фаолият субъекти сифатида биргаликдаги ижоди амалга оширилади.



**1-расм. Олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели**



Демак, талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг дидактик моделининг таркибий қисмларининг яхлитлиги бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди.

Ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш ва рағбатлантириш таълимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълимнинг ривожланиш хусусиятини амалга оширишни рағбатлантирувчи, ижодий кўникмаларнинг шаклланишига ҳисса қўшадиган мазмун, шакл ва усулларнинг тўғри танланиши, умуман олганда, чет тилини ўргатиш жараёнида ижодий фаолликни ривожлантиришга имкон беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Техника олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик тажрида-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили”** деб номланиб, бу бобда педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш методикаси, педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари таҳлили берилган.

Талабаларда ижодий фаолликни ривожлантиришга қаратилган педагогик ўқув ва амалиёт жараёнида (303 нафар талаба иштирок этди). Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич-таъкидловчи тажриба-синов ишлари (2017-2018 йй.)да талабалар ижодий фаоллигини такомиллашганлик даражасини аниқлашга оид ишлар олиб борилди. Шакллантирувчи тажриба-синов босқичида (2019-2020 йй.) ижодий фаолликнинг шаклланиши ва ривожланишининг ижодий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар хил фаолият турлари ва шаклларида иборат ўйин фаолияти, ишлаб чиқариш фаолияти, индивидуал фаолият доирасида янги педагогик технологияларни қўллаб тажриба гуруҳларда дарс жараёнлари олиб борилди, бундан ташқари талабалар ижодий фаоллиги даражаси аниқланди. Учунчи якунловчи тажриба-синов босқичида (2020-2021 йй.) Навоий давлат кончилиқ институти, Тошкент кимё-технология институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтларининг металлургия, кимёвий-технология, машинасозлик технологияси йўналишларининг 303 нафар талабалари иштирок этди) олинган маълумотлар математик статистика методи ёрдамида таҳлил этилди; натижалар умумлаштирилиб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди, тадқиқот иши юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дастлабки босқичда аниқланган натижалар тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари бир биридан фарқ қилмаслиги, самарадорлик кўрсаткичи 1,00 га тенг бўлиб,  $\chi^2_{\text{кузатув}} < \chi^2_{\text{критик}}$  бўлгани, ишонч оралиқларининг бир бири билан устма-уст тушганлиги учун  $H_0$  гипотезани рад этишга асос йўқ, ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичининг бирдан кичиклиги, талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичининг нолдан кичиклиги  $H_0$  гипотезанинг қабул қилинишига олиб келади. Бу эса дастлабки босқичда талабаларнинг билим даражаси бир бирига яқин эканлигидан далолат беради.


Энди тажриба якунида олинган натижаларнинг статистик таҳлилини келтирамиз. (2-жадвал).

## 2-жадвал

## Тажриба-синов иши якунида олинган натижаларнинг статистик таҳлили


№		1				2			
Мезонлар		мотивацион				Когнитив			
Таълим муассасалари		НДКИ	ТДКТИ	НМҚИ	Жами	НДКИ	ТДКТИ	НМҚИ	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	4,02	4,04	4,00	4,02	4,02	4,00	4,05	4,02
	Назорат гуруҳи	3,47	3,49	3,47	3,48	3,49	3,49	3,51	3,50
Самарадорлик		1,16	1,16	1,15	1,16	1,15	1,15	1,15	1,15
Танланма Дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,39	0,44	0,48	0,43	0,47	0,52	0,52	0,50
	Назорат гуруҳи	0,44	0,49	0,47	0,46	0,48	0,49	0,47	0,48
Ўртача квадратик четланиш	Тажриба гуруҳи	0,62	0,66	0,69	0,66	0,68	0,72	0,72	0,71
	Назорат гуруҳи	0,66	0,70	0,69	0,68	0,69	0,70	0,69	0,69
